

Пироплазмоз ва бабезиозни кимёпрофилактикаси. Қорамоллар пироплазмоз ва бабезиозини диамидин билан кимёпрофилактика қилиш учун диамидинни (диамидин - оқ саргич, кристаллик парашок, +40⁰С даги сувда яхши эрийди) 4% лик сувдаги эритмаси тайёрланади. Тайёрланган 4%-лик диамидинни сувдаги эритмасидан касаллик тарқатувчи иксод каналарининг фаол ҳаётий даврида (йилнинг илиқ фаслида) молни 100 кг т.в. ҳисобига 10 кунда бир мартадан 5,0 мл (2 мг/кг) дан тери остига қўлланилади.

Қорамоллар пироплазмоз ва бабезиозини профилактика қилишда касаллик тарқатувчи иксод каналарни фаол ҳаётий даврида молни 100 кг т.в. ҳисобига ҳар 15 кунда бир мартадан 5,0 мл дан полиамидин-п препарати қўлланилади.

Тейлериозни профилактикаси. Тейлериознинг профилактикаси ҳайвонлар организмни касалликка қарши табиий чидамлик қобилятини оширишга асосланган махсус тадбирларни ишлаб чиқариш, касаллик қўзғатувчиларини тарқатувчи каналарга қарши курашиш ва молларнинг тейлериялар билан зарарланиш йўллари бартараф қилишга қаратилган бўлиши керак.

Ветеринария врачлари тейлериоздан ҳоли бўлмаган фермер хўжалигида хўжалик раҳбари билан биргаликда эпизоотик ҳолатни инобатга олган ҳолда фермер хўжалигидаги чорвачиликни ривожлантириш режасига ўзининг тейлериозга қарши чора-тадбирларини ҳам киритади.

Умумхўжалик ва махсус тадбирлари: Тейлериознинг олдини олишда аввало мустаҳкам ем-хашак базасини яратишга қаратилади. Бундай тадбир тўрт фаслга ҳам мос бўлиши лозим. Қиш фаслида молнинг тўлиқ рацион билан, яхши шароитда боқилиши баҳор фаслида молларни ўрта семизликда бўлишига олиб келади. Ана шундай қилинсагина, мол организмнинг инвазион касалликларга қарши курашиш қобиляти юқори даражада бўлади.

Тейлериозни тарқатувчи каналарга қарши кураш, уларнинг биологик ва экологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда олиб борилиши лозим. Каналарга қарши курашишда акарицид препаратларини қўллаш ва молхоналарнинг санитария ҳолатини яхшилаш тадбирларини доимий равишда ўтказиш лозим.

Куз вақтида молларни молхоналарга киритишдан олдин биноларнинг ичи ва ташқари атрофи барча ахлатлардан тозаланиши ва шундан сўнг акарицид препаратлари билан ювилиши шарт. Кейинчалик эса моллар молхонага киритилади.

Молхоналарда каналарга қарши кураш олиб бориш билан бир вақтда яйловларда ҳам бундай тадбирларни бажариш зарур. Яйловлардаги кераксиз нарсалар ва ёввойи ўсимликларни йўқотиш, кам фойдаланиладиган ерларни ҳайдаш ва агромаданият тадбирларини амалга ошириш каналарнинг қисман камайишига олиб келади..

Кимёпрофилактика: Кейинги йилларда тейлериоздан ҳоли бўлмаган хўжаликларда кимёпрофилактика усуллари ишлаб чиқиш борасида катта изланишлар олиб борилди ва эътиборга лойиқ илмий-тадқиқот ишлар натижасида қуйидаги тавсиялар қилинди:

Тейлериоздан ҳоли бўлмаган хўжаликларда апрел ойидан октябрь ойигача ҳар 15 кунда бир марта молнинг 100 кг т. в. ҳисобига 5,0 мл полиамидин-п препаратини тери остига юбориб туриш тавсия этилади .

Хулоса. Қорамолларнинг тейлериоз пироплазмоз, бабезиоз, касалликларига қарши олиб борилган даволаш-профилактика чора-тадбирлари замонавий услуб воситаларга асосланган бўлиб уни ветеринария амалиётига жорий қилиш натижасида чорвачилик хўжаликларини қон-паразитар касалликлардан соғломлаштиришга олиб келади.

ГОЛШТИНЛАШТИРИШ ҚОРАМОЛЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУХИМ ОМИЛИДИР

Д.Абдузоирова – магистратура талабаси

Бугунги кунда бутун дунёда, шу жумладан бизнинг мамлакатимизда ҳам озиқ-овқат муаммоси энг асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммоларни ҳал этишда

кишлоқ хўжалиги соҳасини ўрни беқиёс. Бунда чорвачиликтармоғи ҳам алоҳида ўринга эга. Чорвачилик махсулотлари орасида сут махсулоти ўзининг фойдали хусусиятлари билан ажралиб туради. Сутдан олинадиган тайёр махсулотларининг куплиги ва уларнинг барчаси инсон саломатлиги учун қанчалик муҳим эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли чорвачиликни, айниқса қорамолчилиқни ривожлантириш жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бизнинг мамлакатимизда сутнинг 99 фоизи айнан сигирлардан олинади. Шунинг учун ҳам бу соҳага бўлган эътибор йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизда анчагина ютуқларга эришилмоқда

Хозирги кунда бутун дунёда қорамолларнинг махсулдорлигини ошириш бўйича кўплаб илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Бизнинг Республикамизда ҳам бунга эътибор катта. Сут йуналишидаги қора-ола зоти бизнинг шароитимизга яхши мослашган бўлиб, сут махсулдорлиги бўйича биринчи ўринда туради. Унинг сут махсулдорлигини янада ошириш мақсадида дунёга машҳур голштин зотидан самарали фойдаланиш илмий ишимизнинг асосий мақсадидир. Бу борада дунё олимлари олиб борган тадқиқот ишлари билан танишиб чиқиб, деярли барча олинган натижалари ушбу зотнинг айрим хўжалик белгиларини такомиллаштиришда голштин зоти (яхшиловчи) эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Ўзбекистон шароитида голштин зотли яхшиловчи буқалар қора-ола зотли сигирларни чатиштиришда ҳамда подаларни такомиллаштиришда фойдаланилган (Ш.А. Акмалхонов, 1993; М.И. Аширов, 1994; Н.Ахмадалиев, 2000).

У.Сайдалиевнинг (2007) ёзишича, чорва моллари махсулдорлигининг ижобий ёки салбий томонга ўзгаришлари ҳамда улардаги зотдорлик белгиларини йўқотмаслигини ўрганишда регрессия коэффицентининг аҳамияти катта. Сигирлар туққандан кейин уларнинг регрессия коэффицентининг ўзгариши кузатилган. З. Суюнова ҳам шунга ўхшаш фикрларни ўз илмий тадқиқот ишларида келтириб ўтган. (Суюнова З.Б. ва бошқалар. Голштинлаштирилган қора-ола сигирларни сут махсулдорлиги 2015).

А.Белоусов, Р.Юсупов, П.Зенков ва А.Сулеймановларнинг (2010) йозишларича Бошқирдистон Республикасининг Чекмагушев тумани “Базы” номли колхоз наслчилиқ заводида Голландиядан импорт қилинган голштин зотли моллар хўжалиқнинг оптимал сақлам ва озиклантириш шароитларида жадал ўсиши ва юқори сут махсулдорлиги билан ҳарактерланган Голландия селекциясига хос бўлган сигирларнинг 1-лактациядаги тирик массаси 535 кг, 331 кунлик сут соғими 6129 кг ёғ миқдори 3,84 фоиз, сут ёғи 235 клограммга ва иккинчи лактациясида тегишлича 564 кг, 6620 кг, 3,92 фоиз ва 260 клограммга тўғри келган Сервис даврининг давомийлиги 111 кунга тенг.

Голштин зотининг қон улуши авлодларда кўтарилиши билан сут соғими 501 клограммга ва сут ёғи 19,2 клограммга кутарилган. “Ленин” ва “Пушкинское” номли наслчилиқ заводларида янада юқори кўрсаткичларга эришилган. Биринчи наслчилиқ заводида сут соғими тегишлича: 6099 клограммдан 9035 клограммгача кутарилган (Е.И.Сакса, Л.Кузина, 2001; Т.А.Симонов ва бошқалар).

“Пушкинское” наслчилиқ заводида иккинчи бўғин голштин генотипли сигирлар I-лактациясида ўртача 8437 кг, учинчи бўғиндагилари 8337 кг, тўртинчи бўғиндагилари 8090 кг сут берган. тўртинчи бўғиндаги авлодлар иккинчи бўғиндагиларига нисбатан сут соғими 347 клограммга (4,3%) камайтирган. учинчи бўғиндаги сигирлар гуруҳида иккинчи бўғиндагиларникига нисбатан 10000 килограммдан ортиқ сут берадиган рекордчи- сигирлар сони икки бараварга камайган бўлса, тўртинчи бўғиндаги сигирлар гуруҳида эса рекордчи-сигирлар умуман бўлмаган. Кейинги 10 йил мобайнида сигирларнинг сут махсулдорлиги 3 бараварга ошган. 5 йил мобайнида биринчи туғим сигирларнинг сут соғими ҳар йили ўртача 760 килограммдан кутарилиб борган. Ушбу натижаларга эришишда биринчи туққан сигирларни серсут қилиш тадбирлари, Канаданинг “Симекс- Аллайекс” компаниясининг юқори қийматли буқаларидан фойдаланиш, мустаҳкам озука базаси, сифатли рационлар ва кўшимча биологик фаол моддалар қўл келган.

М.Досмухамедовани (2009) тажрибалари шундан далолдат берганки, қора-ола зотли сигирларни Исроил селекциясига голштин буқалари билан чатиштиришдан олинган

иккинчи ва учинчи бўғин (7/8) авлодларнинг иссиққа чидамлилиқ индексида (64,0- 64,5) ўзгариш кўрсатмаган, Уларнинг лактация давридаги сут соғими учинчи гуруҳда (1/4 қонли голштин сигирларда) кўпайиб, 4313 килограммга, биринчи гуруҳда (3/4-7/8 қонлиларники) 4590 килограммга етган.

В.Бурхонова, Э.Шаптаков ва Л.Исмоиловаларнинг (2009) маълумотларига кўра, қора-ола ва голштин зотли биринчи ва иккинчи бўғин чатишма сигирлари турли миқдорда сут берган. Қора-ола зотли сигирлари 2897,1 кг сут берган бўлса, биринчи бўғин сигирлари 3197,6 кг ва иккинчи бўғин сигирлари эса 3539,6 сут берган.бошқача қилиб айтганда соф зотли қорағола сигирларига нисбатан иккинчи ва учинчи бўғин чатишма сигирлари шунга мос равишда 300,5 кг ёки 10,4 фоиз ва 642,5 кг ёки 22,2 фоиз куп сут берган

Б.Абдолниёзовнинг (2010) ёзишича Хоразм вилоятининг шароитида Украина Республикасининг Петровский туманидаги “Обрий” наслчилиқ хўжалигидан голштинлаштирилган 28 бош ҳар хил бўғозлиқ муддатидаги ғуножинлар келтирилган ва улар: Уста Мустофа, Аваз Каландар, Йулдош Мажид ва Асал фермер хўжалиқларига келтирилган 28 бош ғуножиндан 30 бош бузоқ олинган, 2 бош ғуножин эгиз туққан. Биринчи туғим сигирларининг тирик вазни тегишли равишда: 475,5; 499,5; 470,0; 480,0 кг бўлиб, ўртача 481,3 кгни ташкил қилган. I лактациядаги сут соғими мутаносиб равишда фермерларда: 4557,1; 3522,6; 4045,3; 4641 ўртача 4216,5 кгни ташкил қилган. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қизил-ола тусли голштин зоти Хоразм вилоятида урчитираётган қизил- чўл зоти учун “яхшиловчи” экан.

З.Б.Суюнова ва бошқаларнинг (2015) маълумотларига қараганда, лактация даврида олинган сут миқдори соф зотли қора-ола сигирларида 3244,5 кг га тенг бўлган. Бу эса ўз тенгдошлари голштинлаштирилган ҳар хил генотипли сигирлар кўрсаткичидан тегишлича 290,6 кг ёки 13,7 фоиз ва 586,1 кг ёки 18,1 фоиз камдир.

Бундан ташқари, У.Н.Носиров (2001), Н.М. Костомахин (2007), И.Зерон (2004), И.Изра (2004), Р.Тамарова, Н.Канарейкина (2010), К.Шокиров, Ш.Маматалиев (2015), У.Р.Соатов, У.Н.Носиров (2003), А.К.Кахаров ва бошқ. (2013), М.И.Ашировлар ҳам ижобий натижаларни олишган.

Шундай қилиб, голштин зоти дунёда машҳур бўлиб, сут йўналишидаги купгина қорамол зотлари учун “яхшиловчи” зот деб тан олинган. Ундан зотларни такомиллаштириш ва сермахсул подаларни шакллантиришда кенг фойдаланишни бизнинг республикамызда ҳам яхши самара беради.

СИГИРЛАРДА ИККИЛАМЧИ ОСТЕОДИСТРОФИЯНИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ ВА ГЕМАТОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Н.Ш.Ҳамроқулов – талаба, С.Б.Эшбуриев – тадқиқотчи,
Қ.Н.Норбоев – илмий раҳбар, профессор**

Аннотация: Ушбу мақолада сигирлар иккиламчи остеодистрофиясининг кечиши, клиник белгилари ва касалликда қоннинг морфобиокимёвий ўзгаришлари баён этилган.

Калит сўзлар: Сигирлар, иккиламчи остеодистрофия, клиник белгилар, гематологик кўрсаткичлар, кетоз, гипогликемия, гипогемоглобинемия, гипопропротеинемия, ишқорий захира, ацидоз, лизуха, эндометрит, мастит.

Мавзунинг долзарблиги. Қорамолчилиқ фермер хўжалиқлари шароитида четдан келтирилган ва маҳаллий зотларга мансуб сигирлар орасида иккиламчи остеодистрофиянинг тарқалиши, иқтисодий зарари, сабаблари, уларнинг келиб чиқишида алиментар омилларнинг аҳамияти, ривожланиш механизмлари, эртачи аниқлаш усулларини ўрганиш, касалликни даволаш ва олдини олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш бугунги кунда ветеринария фани ва амалиёти олдидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.